

Куч-адолатда

Адл ила олам юзин обод қил

2021 йил
26 ноябрь,
жума
№ 48 (873)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI EVROPA ITTIFOQI DELEGATSIYASINI QABUL QILDI

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 ноябрь куни Европа Иттифоқининг Европа комиссияси вице-президенти Маргаритис Схинас бошчилигидаги делегациясини қабул қилди.

Учрашув аввалида ЕИнинг юқори даражадаги вакили давлатимиз раҳбарига Европа кенга-

ши раиси Шарль Мишель ва Европа комиссияси раҳбари Урсула фон дер Ляйеннинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди. Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Икки томонлама мулоқотлар, шу жумладан, иқтисодийёт, қонун устувор-

лиги, демократик янгиланишлар, инсон ҳуқуқлари, хавфсизлик ва бошқа устувор йўналишларда ҳамкорлик фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Шу ойда "Ўзбекистон — ЕИ" ҳамкорлик кенгашитининг навбатдаги йиғилиши муваффақиятли ўтказилди.

Ўзаро савдо ҳажми жадал ортмоқда, Европа

етақчи компанияларининг илғор тажрибаси ва технологияларини жалб қилган ҳолда йирик инвестиция лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда.

Таълим, хавфсизлик соҳаларида, терроризм ва наркотрафикка қарши курашиш борасида муҳим кўшма дастурлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва ЕИ ўрта-

сида кенгайтирилган шериқлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим бўйича музокараларни яқунлаш ва уни тез фурсатда қабул қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақа кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

Кейинги йилларда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ рўёбга чиқаришга қаратилган кенг қамровли ҳуқуқий-ташкилий чоратadbирлар қатъият билан амалга оширилмоқда.

Қонун ижодкорлиги

Маъмурий жазо чоралари

бугунги кун талабидан келиб чиқиб, либераллаштирилмоқда



Бу жараёнда, айниқса, таъминланишни такомиллаш-тимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш, амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишни такомиллаш-тиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз.

(Давоми 3-бетда) ►

Инсоният тарихининг барча давларида ҳам коррупция жамият ва давлат ҳаётини пароканда этадиган, турли хил жиноий қилмишларни келтириб чиқарадиган хавфли иллат сифатида қаттиқ қораланиб келинган.

Моҳият

Коррупцияга қарши курашиш

бу борадаги қонунчилик халқаро стандартларга уйғунлаштирилмоқда




Сўнги йилларда мамлакатимизда ҳам коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, барча соҳаларда коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган муҳим чора-таadbирлар қатъият билан амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

Қонун кўмаги

Шартнома талаби

уни ўз вақтида бажариш ҳам фарз, ҳам қарз



Маълумки, жамият ҳаётини шартномавий муносабатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки шартнома ҳўжалик юртивчи субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Айнан шартнома тузиш йўли билан унинг тарафлари ўртасида фуқаролик ҳуқуқи ва бурчлари вужудга келади, ўзгаради ёки бекор бўлади.

(Давоми 3-бетда) ►

Жамиятимиз мақсади


БОШ МАҚСАД – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚЧИЛ ВА ИНСОНПАРВАР ДАВЛАТ ҚУРИШ

Ҳар бир даврда барча ривожланган давлат ва жамиятлар ўзлари учун муҳим бўлган йўналишларда маълум бир мақсадларга элтувчи стратегияни ишлаб чиқади.

Мисол учун сўнги ривожланган давлатларидан бири бўлган Германиянинг ҳам ўз тараққиёт стратегияси мавжуд. 2015 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2030 йил кун тартибини қабул қилиб, 17 та Глобал Барқарор Ривожланиш Мақсадлари (SDG)ни эълон қилган бир пайтда, Германия 13 йил олдин илгари сурган Миллий барқарор ривожланиш стратегиясига эга эди. У 2018 йилда қайта янгиланди.

Шунингдек, бундан беш йил олдин Ўзбекистон ҳам ўз ривожланиш тарихида янги бир даврга қадам қўйди. Ушбу даврда бошланган ислохотларни амалга ошириш учун эса халқимиз билан бамаслаҳат тарзда ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси ҳаётга татбиқ этилди. Ўтган давр мобайнида ушбу Стратегия асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Қувонарлиси, қисқа вақт ичида Ҳаракатлар стратегиясида кўзланган мақсад ва вазифаларга таҳлил ва рақамлар асосида эмас, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ўз турмуш тарзида хис қилган ўзгаришлар орқали тўлақонли эришилди.

Айни вақтда ушбу йўналишларда бошланган ислохотлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Жумладан, янги муддатга Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайланган Шавкат Мирзиёев томонидан бошланган демократик ислохотлар йўлини янада қатъий давом эттиришга қара-



тилган, асосий мақсади "Инсон қадрини учун" деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш бўлган "Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари" тамойили асосидаги Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси эълон қилинди.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг узвий давоми бўлиб, бугунги глобал ўзгаришлар, аҳоли турмуш тарзи, ҳаёт талаби ва кадриятларимиздан келиб чиққан ҳолда, еттита йўналишда белгилаб олинди. Шунингдек, ушбу стратегиядаги ҳар бир вазифа ва мақсадлар жорий йилда

бўлиб ўтган сайлов жараёнларида бевосита фуқароларимиз иштирокида муҳокамадан ўтказилиб, ҳаётий таклиф ва ташаббуслар билан тўлдирилди.

Хусусан, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг биринчи йўналиши — эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, инсон қадр-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислохотларни янги поғонага кўтариш борасидаги вазифалар, бевосита Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналиши доирасида — Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш борасида ўтган

беш йил мобайнида амалга оширилган ишларнинг узвий давоми бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Зеро, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг биринчи йўналишида белгилаб берилган вазифаларнинг ҳаётимизга татбиқ этилиши орқали миллиати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг, бутун халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган "Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат" госясини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, "Инсон қадрини учун" деган устувор тамойил тўлақонли рўёбга чиқарилади.

(Давоми 2-бетда) ►

Хабар

Сайёр суд мажлисида 10 нафар шахс қамоқдан озод этилди



Самарқанд вилоят суди раиси О.Ҳайитовнинг бу галги сайёр қабули Самарқанд шаҳар "Боғисарой" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилди.

(Давоми 2-бетда) ►

Бу ҳаётда саховат ва мурувват сингари ибратли амалларни адо этиш бахти ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Саховат ва мурувватдан баҳраманд бўлганлар қалбига эса, ушбу хайрли амалларни адо этганларга нисбатан ҳар доим ҳурмат-эҳтиром, миннатдорчилик туйғулари кезади.


Мезон

Ноқонуний қарор

ортиқча оворагарчиликка сабаб бўлди ва ниҳоят, низо судда қонуний яқун топди

2019 йилнинг июнь ойида Гурлан тумани ҳокимлиги мутасаддилари томонидан туман марказидаги Пахлавон Маҳмуд кўчасида барпо этилиши мўлжалланган уч қаватли бинонинг биринчи қаватига жойлашадиган 30-сонли савдо мажмуасининг ҳар бири 89,28 квадрат метрдан иборат 2 та дўкон қурилиши майдони (унинг 2 ва 3-қаватлари турар жойга мўлжалланган) бир киши — Қарим Бозорбоевнинг номига хатлаб берилди. Табиийки, бундан унинг боши осмонга етди.

(Давоми 2-бетда) ►



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Олий Мажлис Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлисида "Транспорт ва молия соҳаларидаги айрим ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жазолар либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун сенаторлар томонидан қизғин муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Айтиш керакки, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг айрим моддалари санкцияларида кодекс принциплари номувофик бўлган жазо чоралари мавжуд. Аниқроқ айтганда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилган баъзи ҳуқуқбузарликлар учун тайинланадиган жазо чоралари миқдори кодекснинг инсонпарварлик ва одиллик принципларига мос келмайди.

Айни шу номувофикликларни бартараф этиш ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, мақбуллаштириш мақсадида, янги қонун билан 5 та модданинг санкцияси миқдорини камайтириш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари йўл ҳаракати тизимидаги ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган маъмурий жавобгарликлар миқдори бугунги кун талаби ва хавфлилик даражасига мос эмаслиги ҳам кўпчиликка яхши маълум. Масалан, транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларга bluetooth, қулоқчин ва бошқа қўлни банд қилмайдиган қурилмалардан фойдаланиш, транспорт воситаси сало-

нинг олд қисмига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатганлик учун жавобгарлик белгилангани ҳамда транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юборганда тезликни ўлчайдиган махсус ускуналар қайд этган тез-

каргани, транспорт воситалари эгалари томонидан суғурта полисини олмаганлик учун жарима фуқаролар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **икки бараварига**, мансабдор шахсларга эса, **учдан бир қисмга камайтирилмоқда**; - фуқаролар томонидан ва-

рини бузганлик учун жарима базавий ҳисоблаш миқдорининг **икки бараваридан кўпроқга камайтирилмоқда**. Бундан ташқари янги қонун билан Ўзбекистон фуқароси паспорт олмагани ёки унинг шикастлигини, йўқолгани, шунингдек, чет эл фуқароси ва

рида яшашга рухсат берганлик учун жарима миқдори **ўзгартирилмоқда**.

Янги қонунда ўз ифодасини топган муҳим аниқликлардан яна бири шундан иборатки, транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларга bluetooth, қулоқчин ва бошқа қўлни банд қилмайдиган қурилмалардан фойдаланишга рухсат берилмоқда;

- транспорт воситаси салонининг олд қисмига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатганлик учун жавобгарлик бекор қилинмоқда;

- транспорт воситалари ҳайдовчилари белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юборганда тезликни ўлчайдиган махсус ускуналар қайд этган тезликдан соатига 5 километрни айириб ташлаб ҳисоблаш белгиланмоқда;

- транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари, суғурта полиси ва техник паспорти ёнида бўлмаган ҳайдовчиларга Ўзбекистон Республикасида берилган шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи берилмоқда.

Албатта, ушбу янги қонунни ишлаб чиқиш жараёнида бир қатор хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси ба- тафсил ўрганиб чиқилди. Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, ушбу янги қонунни қабул қилиниши маъмурий жазолар тизимини инсонпарварлик, одиллик тамойилларига мувофиқлаштириш ҳамда баъзи маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни бекор қилишга хизмат қилади.

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси

Қонун ижодкорлиги

Маъмурий жазо чоралари



бугунги кун талабидан келиб чиқиб, либераллаштирилмоқда

ликдан соатига 5 километр айириб ташламаган ҳолда жавобгарликка тортиш ҳолатлари ва бошқалар шулар сирасига киради.

Шу маънода, янги қонун билан юқорида қайд этилган номувофикликлар бартараф этилаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Яъни:

- муддати ўтган суғурта полиси ёки суғурта полисида назарда тутилмаган шахс автотранспорт воситасини бош-

лота қийматликларини ноқонуний олганлик ёки ўтказганлик учун жарима миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдор ораллигида **белгиланмоқда**;

- йўловчиларни лицензиясиз ташиш билан шугулланганлик учун жарима миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг **уч бараварига камайтирилмоқда**;

- паспорт тизими қоидала-

фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси бўлмагани, яшаш гувоҳномасининг шикастлангани ёки йўқолгани учун жарима миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг **икки бараваридан кўпроқ этиб белгиланмоқда**;

- фуқаролар томонидан шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган, вақтинча ёки доимий рўйхатдан ўтмаган фуқароларни турар-жой бинола-

2020 йил 15 июль кунини эди.

Х.Оғилов кечки пайт Миробод туманида ўзининг юмуши билан юрган пайт олдига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари келиб, бир иш бўйича ўтказилаётган тезкор тадбирга ҳолис сифатида иштирок этишни шарт қилишди. Х.Оғилов бунга розилик билдиради.

Қисқаси, тезкор тадбир жараёнида — кеч соат 21:00 ларда бир нота- ниш кимса Миробод тумани Ф.Тютчев кўчасидаги 62-уйга киради ва у тахминан беш дақиқа ўтиб-ўтмай яна йўлакка қайтиб чиқади. Айни шу пайт ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари уни тўхтатиб, ўзларини таништирган ҳолда тезкор тадбир ўтказилаётганини маълум қилишди.

— Бир кишининг буюртмасини олиб кетиш учун келганим, — дейди ўзини Алишер Носиров деб таништирган ҳалиги киши.

Буни қарангки, А.Носировнинг ёнидаги ашёлар ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганида, унинг шими чап чўнтагида бир дона шаффоф полиэтилен пакетга солинган ок тусдаги ўткир хидли кристаллсимон модда борлиги аниқланади. Бу — "кокаин" гиёҳвандлик воситаси эди. Шу ўринда тезкор тадбирни ўтка-

Гиёҳвандлик — аср вабоси

Ширинлик орасидаги оғу

заётган ходимларда ҳақли савол туғилади: хўш, А.Носиров бу гиёҳвандлик моддасини қаердан ва қимдан олган?

Айтиш керакки, тергов ва суд жараёнида бу захри қотилининг мамлакатимизга кириб келиш илдизи жуда чуқур экани аён бўлди.

Маълум бўлишича, пойтахтимизнинг Сирғали туманида яшовчи Равшан Соипов 2020 йил июль ойида Австрия давлати фуқароси Жакоб Майер билан олдиндан тил бириктиради. Аниқроғи, у келгусида пулини тўлаш шарт билан тахминан 160 грамм "кокаин" гиёҳвандлик воситасини Ўзбекистон Республикасига почта орқали жўнатиб юборишга буюртма беради. Аслида Равшан Соипов нафақат ўзи истеъмол қилиши, балки гиёҳвандлик воситасини сотиб, мўмай даромад топишни ҳам режалаштирганди. Албатта, хорижий "ҳамкор" унинг буюртмасини дарҳол бажаради. Яъни 2020 йил 10 июль кунини Жакоб Майер томонидан Р.Соиповнинг таниши Илхом Алимов номига Австрия давлатидан турли ширинликлардан иборат почта жў-

натмаси юборилади. Натижада Р.Соипов 2020 йил 15 июль кунини "DHL" почта жўнатмалари тизимининг Ўзбекистондаги расмий вакилидан вази 4,2 килограмм бўлган ширинликларни қабул қилиб олади. "Буюртма" ана шу маҳсулот ичига — "der Bonbon" номли қанд қутисига жойлаштирилган 160 грамм гиёҳвандлик моддаси яширин тарзда Ўзбекистон Республикасига контрабанда қилинганди.

Р.Соипов жўнатгани уйига олиб келгач, гиёҳвандлик воситасини таниши Дилшод Маҳмудовга 30.000 АҚШ долларига баҳолаб, насянга сотиб юборади. Шундан сўнг савдо кизигандан қизиб кетади. Гап шундаки, Д.Маҳмудов ўша куннинг ўзида "товар"ни Йўлдош Ҳамрақуловга келгусида нархини келиши шарт билан пуллади. Й.Ҳамрақулов гиёҳвандлик моддасини Равшан ва Дилшод сингари кўтарасига сотмайди, аксинча, майдалаб пуллаб, мўмай даромад олишни кўзлайди.

Бир кунни танишларидан бири телефон орқали Й.Ҳамрақуловга буюртма беради. Бинобарин, у авва-

лига гиёҳвандлик моддасини тарозидан ўлчаб кўради. Сўнгра 5,9 граммини бир дона фольгага ўраб, қадоқлайди. Уша кунини буюртма берган шахс унинг ёнига Алишер Носировни юборади. Алишер эса, 2700 АҚШ долларини эвазига ўша бир ўрам гиёҳвандлик моддасини сотиб олади. Хуллас, тезкор тадбир мобайнида кўлга олинган, А.Носиров бу қилмиши қандай қўл урганини айтиб берди. Аслида у буюртмага асосан ҳайдовчи бўлиб ишлаган. Шунда Лола исмли аёл доимий мижоз бўлиб қолади. Натижада Алишер кейинчалик унинг бозор-ўчар ва уй-рўзғори билан боғлиқ юмушларини ҳам бажариб юради. Қолаверса, Лола айтган манзилларга пул ҳамда бошқа буюмларни олиб бориб беради. Тўғри, сўнгги кунлари А.Носиров бу аёлнинг ноқонуний ишларига ҳам аралашиб қолганлигини сезган. Аммо ўзини четга олишга иродаси етмаган.

Уша кунини кеч соат 20:00 ларда ҳам Лола Алишерга қўнғирок қилади.

(Давоми 4-бетда) ▶

қарор

ортиқча овозагарчиликка сабаб бўлди ва ниҳоят, низо судда қонуний яқун топди

Ўзаро низолашувчи тарафларнинг галма-галига шикоят ишни маъмурий суднинг гоҳи у, гоҳи бу босқичи томон етаклади.

Бу жараён қарийиб 1 йилдан зиёдагача бўлди. Гурлан туман Маъмурий суди томонидан туман ҳокимининг К.Бозорбоевга жами 178,56 квадрат метр ер майдонини ажратиш шартидан 2019 йил 10 июнда қабул қилган 4102-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топилган ҳақида 2020 йил 26 августда чиқарилган ҳал қилув қарори пировардида ўтказилган барча суд жараёнларида муҳокама марказига чиқди. Биринчи босқич судининг шу ҳақидаги қарори даставвал вилоят маъмурий суди

апелляция судлов ҳайъатининг 2020 йил 23 сентябрдаги мажлисида атофлича кўриб чиқилди. Туман суди қарорини ўзгартириш учун асос топилмади. Охир-оқибат ушбу маъмурий иш шикоятга асосан Олий суд маъмурий ишлар бўйича кассация судлов ҳайъатида тақририй кўрилди.

Шу ўринда Фуқаролик кодексининг 12-моддаси 1-қисмига эътибор қаратиш жоиз. Унда баён этилишича, давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқаро ёхуд юридик шахснинг ҳуқуқлари, қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузайдиган ҳужжати суд томонидан

бекор қилиниши мумкин. Бундай вазиятда бузиб олинган дўкони учун тегишли ер майдонини ажратиш бериш талаби билан чиққан фуқаронинг қонуний сўрови бажо келтирилмоғи зарур. Тақририй босқичдаги судлов маҳали кодекснинг бу талаби эътиборга олинди. Шунингдек, Ер кодексининг 34-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг (2020 йил 1 январга қадар амалда бўлган) "Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйиллиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисидаги" Низомини тасдиқлаш бўйича 2006 йил 29 майдаги 97-сонли қарори талаблари ҳам назарда тутилди. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйиллиши муносабати билан фуқаролар ва юридик шахсларга компенсация сифатида ер ажратиш масаласи тегишли ҳокимликлар қошидаги махсус комиссиялар тарафидан ҳал этилиши ҳақидаги

қоида олдинги маррага чиқди. Бироқ комиссиянинг шу юзадан чиқарган қарори яқуний эмас. Ўз қарори асосида яқуний тўхтамага келиш ваколати шаҳар ва туман ҳокимларига берилган (Бу ваколат 2021 йилнинг 1 августидан эътиборан бекор қилинди.) Лекин туман ҳокими комиссиянинг ушбу қарорисиз фуқаролар ва жисмоний шахсларга ер участкасини бериш ҳақидаги масалани ҳал қила олмайди. Шунга кўра, Н.Бобожонованинг тасарруфига 89,28 квадрат метр ер майдонини ажратиш бериш шартидан 2019 йил 11 майдаги мажлиси баённомасининг 3-бандида ўз ифодасини топган) туман ҳокимлиги тарафидан инobatта олинмагани қонунни бузиш билан баб-баравар ва буни дастлабки босқич судида туман ҳокимлиги вакили Ш.Бахтиёров ҳам тан олди.

Кассация босқич судининг тақририй мажлиси қарор матнидаги номуносивликларни

бартараф қилди. Айни пайтда ҳокимликнинг бемаврид "ҳиммати"га кўра, бир варакайга 2 та ер участкасини соҳибига айланган К.Бозорбоевнинг ушбу ер майдонини ўз тасарруфига қолдириш ҳақидаги сўровини бажо келтириш учун қонуний асос мавжуд эмаслиги ҳам кундай равшан бўлди. Ҳақ жойига қарор топди. Н.Бобожонованинг ерга эгалик ҳақидаги қонуний сўровини қаноатлантириш юзасидан Гурлан туман маъмурий судининг 2020 йил 26 августдаги ҳал қилув қарори ва апелляция судининг ўша йил 23 сентябрда қабул қилган қарори ўз кучида қолдирилди. Бировнинг ҳақи бошқа бировга буюрмади.

Суд қонун талабидан келиб чиқиб, тадбиркор Н.Бобожонованинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилди.

Жамила СУЛТОНОВА,
Хоразм вилоят маъмурий суди раиси
Абдулла СОБИРОВ,
"Куч - адолатда" мухбири

Қонун қўмағи

Шартнома талаби

уни ўз вақтида бажариш ҳам фарз, ҳам қарз



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Айтиш керакки, шартнома бўйича бир тарафнинг зиммасига олган мажбуриятларини бажармаслиги охири-оқибат судда қонуний ечим топади. Буни қуйидаги мисол ҳам яққол тасдиқлайди. "Микрокредитбанк"нинг Сирдарё худудий филиали ва "Музаффар Сардор фойз" хусусий корхонаси ўртасида 2019 йил 28 декабрда тузилган кредит шартномасига кўра, банк корхонага 400 000 000 сўм миқдоридан кредит маблағи ажратиш, корхона эса, банкка кредит суммасини шартномада белгиланган муддат ва шартларда қайтариши керак эди.

Мазкур шартноманинг 1.2-бандида кредит муддати асосий қарз тўлови бўйича 6 (олти) ой имтиёзли давр билан 2022 йил 27 декабрда амал қилиши, 1.3-бандида кредитдан фойдаланганлик учун фойз миқдори 8 фойз-ни ташкил этиши, 1.4-бандида кредит маблағи Хитой технологияси асосида сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш учун ускуналар сотиб олиш мақсадида берилиши назарда тутилган.

Кредит мажбуриятининг бажарилиши таъминоти сифатида 2019 йил 31 декабрда гаров шартномаси тарафлар томонидан имзоланган ва нотариал тартибда тасдиқланган. Шу билан бирга гаровга қўйилган мулкларнинг нобуд бўлиши ёки шикастлангани 2019 йил 30 декабрдаги шартномага асосан суғурта қилинган. Бундан ташқари кредит миқдорининг 50 фойзи, яъни 200 000 000 сўмига Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг қароридан фойдаланиш шартини қўллаб-қувватлаш мақсадида берилган.

Аммо банк томонидан корхонага шартномада белгиланган миқдор ва шартлар асосида кредит маблағи ажратилмаган. Шу сабабли Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилояти худудий бошқармаси корхона манфаатини қўллаб, даъво аризаси билан Боёвут туманларо иқтисодий судига мурожаат қилган. Даъво аризасида банк зиммасига 2019 йил 28 декабрда тузилган 34-сонли кредит шартномасига асосан сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналарини сотиб олиш учун 400 000 000 сўм миқдоридан кредит маблағи ажратиш мажбуриятини юк- лаш сўралган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорига мувофиқ даъво аризасини қаноатлантириш рад этилган. Мазкур ҳал қилув қароридан норози бўлган Савдо-саноат

палатаси Сирдарё вилояти худудий бошқармаси апелляция шикояти билан мурожаат қилган.

Сирдарё вилояти суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг қарори билан апелляция шикояти қаноатлантирилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилинди.

Аммо банк маъмурияти бундан норози бўлиб, Олий судга кассация шикояти йўллади. Унда 2020 йил 1 январдан бошлаб дастурлар доирасидаги лойиҳаларни кредитлаш Марказий Банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича (16 фойз) амалга оширилиши лозимлиги, шу билан бирга тарафлар ўртасида 2019 йил 28 декабрда тузилган 34-сонли кредит шартномасининг 1.3-бандида ўз кучини йўқотгани ҳамда 2019 йил 31 декабрь кунини қонунийликда белгиланган тартибда дам олиш кунини бўлгани ҳолда гаров шартномаси расмийлаштирилгани, ушбу санада Кредит ажратилари миллий институти электрон маълумотлар базаси ишламагани сабабли кредит бериш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш имкони бўлмагани баён этилган.

Аслида эса, тарафлар ўртасида 2019 йил 28 декабрда тузилган 34-сонли кредит шартномаси бекор қилинмаган ёки ўзгартирилмаган. Қолаверса, Фуқаролик кодексининг 384-моддаси биринчи қисмида шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилиши белгиланган. Кредит шартномасида тарафларнинг шартномани бир томонлама ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳуқуқи белгиланмаган.

Олий суд иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати "банк шартнома шартларига амал қилмасдан, асосий равишда корхонага кредит маблағини ажратмаган, шартнома интизомига риоя қилмаган", деган асос билан кассация шикоятини қаноатлантиришни рад этди ҳамда Сирдарё вилояти суди апелляция инстанциясининг қарорини ўзгартириш қолдирди.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, шартнома тарафлари унда белгиланган (келишилган) мажбуриятларини ўз вақтида ва лозим даражада бажариши шарт. Ана шундагина тарафларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари бузилмайди.

Элёрбек СОИБНАЗАРОВ,
Сирдарё вилояти суди судьяси

Ҳиёнат ва жазо

Нафес домига илинганлар

Коррупция — амалдаги қонунлар ва давлат идораларига бўлган шончизликни юзага келтирувчи, жамиятни емирувчи хавфли ҳиёнатдир. Шу боис унга қарши қатъий курашиш талаб этилади. Шу маънода мамлакатимизда коррупцияга қарши қатъий кураш олиб борилаётган.

(Давоми 4-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамда Россиянинг Мустақил медиаторлар клуби билан ҳамкорликда соҳа юзасидан ўзаро тажриба алмашишга бағишланган "Медиациянинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: Ўзбекистон ва Россия тажрибаси" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси Мавлудхон Хўжаев ва фуқаролик жамиятида, иқтисодий ва меҳнатга оид низолатни судгача олиб бормасдан муқобил усуллар билан ҳал қилишга қаратилган медиация институтини ривожлантириш жамиятдаги демократик ислохотларнинг ажралмас бўлаги эканлигига алоҳида урғу берди.

Тадбирда иштирок этган Россия Мустақил медиаторлар клуби бошқаруви раиси Валерий Расторгуев ўз маърузасида Россия Федерацияси профессионал медиаторларнинг тайёрлашда ўзига хос тажрибага эга эканлиги, соҳа қонунчилигига мувофиқ мамлакатдаги медиация институтларининг ривожланиш босқичлари, Россияда медиатор бўлиш учун белгиланган талаблар, профессионал ва профессионал бўлмаган медиаторларнинг бир-биридан фарқи жиҳатлари ва бошқа долзарб масалалар юзасидан иштирокчиларга маълумот берди.

Шунингдек, тадбир давомида сўз олган медиатор ва депутатлар 2018 йилда Ўзбекистонда "Медиация тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши билан медиация институтининг ҳуқуқий асослари тубдан такомиллаштирилгани, медиация-

Медиация — низолатни ўзаро келишув асосида ҳал қилувчи муҳим институт



нинг асосий тамойиллари, медиаторларга қўйиладиган талаблар, профессионал медиаторларнинг реестрини юритиш тартиби, медиатив келишувнинг ўзига хос жиҳатлари, жамиятнинг замонавий ривожланиш босқичида медиацияни амалиётга татбиқ этишдаги муаммолар каби масалалар юзасидан фикр билдирилди.

— Мамлакатимизда медиация соҳасининг ривожини учун тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 ноябрда Россияга ташрифи жараҳида 18 та икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Мазкур ҳужжатларнинг кўпчилиги Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги товар айирбошлаш, инвестиция киритиш каби масалаларга тегишлидир. Айни пайтда юртимизда Россия иш-

тирокида фаолият кўрсатиб келаётган корхоналар сони 3000 тага етди. Умуман, иқтисодиёт билан бирга, барча соҳада ўзаро ҳамкорлик ишлари фаол амалга оширилмоқда, шартномалар доирасида лойиҳалар ишга тушади. Шу ўринда айтиш лозимки, бу шартномалар ҳар доим ҳам бир хилда ижро қилинмайди. Масалан, ўзаро низолат келиб чиқади ва бу низолатни ҳал қилиш зарурати юзага келади. Азалдан мурасоим-мадора қилиш орқали низолат ҳал қилинган. Яъни, судгача етиб бормасдан ўзаро келишган ҳолда низолатни ҳал қилиш.

Бунда медиация институти мавжуд бўлиб, медиатор ўртада турган ҳолда иккала томоннинг ўзаро келишувига эришилади. Дейлик, инвестор учун ҳам маълум бир низо-

юзасидан судга бориб юриши унинг обрўсига путур етказиши мумкин. Медиация орқали низолатнинг ҳал қилиниши эса ҳар иккала томонга ҳам маъқул йўл. Яъни унинг махфийлиги сақланади. Қонун бўйича медиатор томонларнинг розилигисиз муаммони ошқор қилишга ҳаққи йўқ. 2018 йилда "Медиация тўғрисида"ги қонун қабул қилинди ва ўтган даврда мингга яқин медиаторлар тайёрланди.

Аммо уларнинг ҳаммасида ҳам иш амалиёти қониқарли ёки зўр деб айтишга эрта. Медиатор бўлиш учун айнан юрист бўлиши шарт эмас. Иқтисодчи ҳам, муҳандис ҳам, бухгалтер ҳам, энергетик ҳам ўз соҳасидаги муаммолар юзасидан медиаторлик қилиши мумкин. Мақсади-миз нафақат Россия билан, балки барча мамлакатлардан юртимизга инвестиция олиб кирган инвесторлар биздан рози-ризо бўлиб кетиши тарафдоримиз. Шунингдек, шартнома шартларини тўла-тўқис бажаришда бу институт туртки бўлади. Шу маънода мазкур соҳада олиб борилаётган илмий-амалий ишларда Россиялик мутахассислар билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга, — дейди Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори Фозилжон Отахонов.

Давра суҳбати якунида медиация институтининг самарадорлигини янада ошириш, истиқболда медиацияни қўллашнинг янги имкониятларини аниқлаш ва қонунчиликда акс эттириш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Муҳтарам КОМИЛОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

Ҳаётда қўлланмаган, ҳатто ақлбодар қилмайдиган воқеа-ҳодисалар ҳам рўй бериб туради. Масалан, бугунги кунда бутун дунёда оммалашган, турмушимизда, фантехника соҳасида улкан бурилиш ясаган кашфиётлардан баъзилари ҳам мутлақо тасодифан ва ҳатто айтиши мумкинки, турли хатолар туфайли юз кўрсатган.

Қуйида шу ҳақида ҳикоя қиламиз.

Дунё Ғаройиботлари

Тасодифий кашфиётлар

Микротўқинли печка

Ҳаёти давомида 120 дан ортиқ кашфиётлар учун патент олган машҳур олим Перси Спенсер тасодифан микротўқин асосида ишловчи печкани яратган.

Хўш, бу кашфиёт қандай рўй берган?


1945 йилда, яъни иккинчи жаҳон урушининг тугаши арафасида П.Спенсер радарлар сифатини такомиллаштириш устида иш олиб борган. Бу борадаги тажрибалар пайтида Спенсер столдаги тўқин чикарувчи мослама ёнида турган шоколад ўз-ўзидан эриб кетганлигини пайқаб қолади. Шундан сўнг у 400 кило оғирликдаги биринчи микротўқинли печкани яратишга муваффақ бўлади. Дастлаб бу печкадан овқатни тезда пишириш зарур бўлган йирик ресторанлар,



лига оддий халтага гилдираклар ўрнаттиради, кейинроқ эса, механиклар ёрдамида ҳозирги аравачаларнинг биринчи нусхаси яратилади. Аравачаларни оммавий ишлаб чиқариш 1947 йилда йўлга қўйилган ва бу дўконларнинг янги кўриниши — супермаркетлар юзага келишига сабаб бўлган.

Кардиостимулятор (юракка сунъий импульс берувчи мослама)


Юрак хасталигига чалинган миллионлаб инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолишга ёрдам бериб келаётган бу қурилма ҳам тасодифан кашф қилинган. 1941 йилда муҳандис Жон Хоппс ҳарбий денгиз флотии буюртмаси билан гипотермия (тананинг ҳароратини тиббий йўл билан ўзгартириш) соҳасида тадқиқотлар такомиллашган кўриниши бутун дунёга тарқалиб улгурди.



самолёт ва кемаларда фойдаланилган. Бугунги кунда эса, микротўқинли печкаларнинг такомиллашган кўриниши бутун дунёга тарқалиб улгурди.

Ёпишқоқ қоғозлар

Ёпишқоқ қоғозлар елимнинг мустаҳкамлигини ошириш мақсадида амалга оширилган муваффақиятсиз уринишларнинг натижасида ҳосил бўлган. Аниқроқ айтганда, 1968 йилда 3М компанияси тадқиқот лабораторияси ходими ёпишқоқ лентанинг (скотч) мустаҳкамлигини оширишга ҳаракат қилади. Натижада у ўзи ёпишқоқ юзада из қолдирмайдиган галати елим яратади. Кашфиётчи скотч учун кераксиз бўлган бу елимни нима қилишни билмайди. Орадан 4 йил ўтган,



унинг ҳаммаси китобларга изоҳ ёпиштириш мақсадида ана шу елимдан фойдаланади ва бугун ҳаммаси яхши билладиган "Post-it-Notes" яратилади. Ёпишқоқ қоғозлар биринчи марта 1980 йилда сотувга чиқарилган.

Супермаркетдаги аравача

АҚШнинг Оклахома-Сити шаҳрида сотувчилик билан шуғулланган Силван Голдман ҳарид аравачасини 1936 йилда ихтиро қилган. У озиқ-овқат дўконининг эгаси бўлган ва харидорлар негадир айрим махсулотларни сотиб олмаётгани ҳақида узоқ ўйлаган. Эътибор бериб қараса, бу махсулотлар кўтариб юриш учун оғир бўлганлиги боис харидорлар уларни сотиб олмас экан. Кашфиёт тасодифан юз берган: Голдман бир аёл оғир кофни ўйинчоқ машина устига қўйиб олганини ва уни ўғли ип билан тортиб кетаётганини кўриб қолади.

Шундан сўнг Голдман авва-

Тиббиётчи Уилсон Грейбетч эса, бу соҳадаги иккинчи ихтирони амалга оширди. Энг қизиғи, у ҳам тасодифан рўй берган. Грейбетч юрак уриш тезлигини ёзиб борувчи мослама яратиш устида иш олиб бораётган эди. Бир кун у синновдаги ускунага тасодифан бошқа резисторни жойлаб қўяди ва электр занжирда юрак уришини эслатувчи тебронлар рўй бераётганини сезиб қолади. Икки йилдан сўнг Грейбетч юрак ишлаши учун сунъий импульслар билан мунтазам таъминлайдиган биринчи электр кардиостимуляторни яратди.

Антибиотиклар

1928 йилда олим Александр Флеминг замбуруғдаги пенитсиллин моддаси у синов ўтказиб берган. Грейбетч юрак уриш тезлигини ёзиб борувчи мослама яратиш устида иш олиб бораётган эди. Бир кун у синновдаги ускунага тасодифан бошқа резисторни жойлаб қўяди ва электр занжирда юрак уришини эслатувчи тебронлар рўй бераётганини сезиб қолади. Икки йилдан сўнг Грейбетч юрак ишлаши учун сунъий импульслар билан мунтазам таъминлайдиган биринчи электр кардиостимуляторни яратди.

Интернет материаллари асосида **Б.Райимов** тайёрлади.

Гиёҳвандлик — аср вабоси

Ширинлик орасидаги оғу

◀ (Бошланиши 3-бетда)

— "Текстильный"га борсангиз, Фозил исми йигит кутиб турибди. Ундан уч ярим минг доллар олиб, йўлдошнинг олдига борасиз. Менга бир омонат беради.

Халиги пулдан икки минг етти юзини унга бериб, қолганини қайтариб олиб келасиз, — дейди аёл.

Алишер Йўлдош Ҳамрақуловниқига — Миробод тумани Ф.Тютчев кўчасидаги 62-уйга келганда эса...

Албатта, шундан сўнг қаланининг уни топилади. Пировардида Равшан Соипов, Дилшод Маҳмудов, Йўлдош Ҳамрақулов ва Алишер Носировларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Сўнг ушбу иш жиноят ишлари бўйича Миробод тумани судида кўриб чиқилди. Суд ҳукми билан Равшан Соипов, Дилшод Маҳмудов, Йўлдош Ҳамрақулов ва Алишер Носировга Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан қилмишларига яраша қонуний жазо тайинланди.

Мухтасар қилиб айтганда, гиёҳвандлик илллати нафақат бир кишининг тақдирини салбий из қолдиради, балки ўзгалар соғлиғига, ҳаётига таҳдид солади. Ўз-ўзидан аёнки, гиёҳвандлик муштало бўлган ёхуд оғуфурӯшликни касб қилиб олган кимсалар нафсларини қондириш ҳамда машъум ниятларини амалга ошириш илжинида ҳар қандай қабиҳликдан ҳам қайтшимайди.

Шунинг учун бу иллатга қарши мурасасиз курашиш, ҳаётда ҳамisha оғоҳ ва хушёр бўлиб яшаш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиздир.

Сурайё ХОЖАМКУЛОВА, жиноят ишлари бўйича Миробод тумани судининг судьяси

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида "Бундан буён ҳам тараққиёт кушандаси бўлган ушбу иллатга барҳам беришга давлат ва жамиятнинг барча куч ва воқитларини сафарбар этамиз. Бу борада айбдорларни ҳуқуқий жавобгарликка тортиш билан чеклаиб қолмасдан, тизимли превентив чораларни кўриш зарур. Шу асосда коррупциянинг нафақат оқибатларини, балки сабабларини олдиндан бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар амалга оширилади" дея таъкидлади.

Албатта, бу фикрлар бежиз билдирилгани йўқ. Чунки ўз нафсини жиловлай олмай, ушбу жирканч жиноятга қўл ураётган кимсалар ҳамон учраб турибди. Қуйидаги мисол шу ҳақида.


Ўтган йили Қўқон шаҳрида яшовчи Шоира Хожиеванинг ўғли Асадбек мактаб ёшига етди. У август ойи бошида фарзандини шаҳардаги 41-умумтаълим мактабида ўқитиш ниятида директор Зилола Қоражоновга учрашади. Аммо у мактабда бўш ўрин қолмаганини маълум қилади. Бундан ҳафсаласи пир бўлган Ш.Хожиева таниши Ашуралли Собировдан ёрдам сўрайди. А.Собиров ҳам унинг илтимосини ерда қолдирмай, мактаб раҳбарининг қабулига қиради.

— Ўринбосаримга учрашсангиз, ҳужжатларни қабул қилиб олади, — дейди директор.

Шундан сўнг А.Собиров директор ўринбосари Даврон Умрбоевга учрашади. Лекин Д.Умрбоев 1-синфга қабул учун талаб жуда юқори эканини писандан қилиб, унга боланинг ҳужжатлари билан бирга 150 АҚШ долларини олиб келиши лозимлигини айтади.

Жиноят ва жазо

Нафс домига илинганлар



— Менда бунча пул йўқ, — дейди Шоира очик-ошкор таъмағирликдан норози бўлиб.

Бояқиш аёл нима қилиши билмай боши қотиб турган маҳали Ашуралли Собиров кўнғироқ қилиб, уни Бош прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Қўқон шаҳар бўлими ходимлари сўрашаётганини билдиради. Айни қақирувнинг асосий сабаби кейинроқ маълум бўлади.

Гап шундаки, мактаб директори ўринбосари Даврон Умрбоев Дилноза Эгамованинг фарзанди Садоқат Эгамовани ҳам мактабнинг 1-синфига қабул қилиш учун пора талаб қилган экан. Шунда Шоира Хожиева мактаб раҳбарлари пора талаб қилганини билдириб, ариза билан мурожаат қилади. Бинобарин, ўша кун тизор тадбир ўтказилади. Яъни ди-

ректор ўринбосари "Қўқон ё-мой" акциядорлик жамияти яқинида Д.Эгамовдан 100 АҚШ доллари ва 300.000 сўмни пора тариқасида олаётган вақтда ушланади. Д.Умрбоевнинг иқдорлик аризаси асосида тезкор тадбир давом эттирилади. Пировардида Зилола Қоражоновани ўринбосаридан Ш.Хожиеванинг ўғлини биринчи синфга қабул қилиш эвазига 150 АҚШ доллари ҳамда Д.Эгамованинг қизини мактабга қабул қилиш учун 100 АҚШ доллари ва 300 000 сўмни олаётганда қўлга олинади. Оқибатда уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилади.

Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди эса, 3.Қоражоновани Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми "а", "в" бандлари, Д.Умрбоевни кодекснинг 28, 210-моддаси 2-қисми "а", "в" бандлари билан айбдор деб топиб, қонуний жазо тайинлади.

Тўғри, айбдорлар тегишли жазосини олди. Бироқ масаланинг бошқа жиҳати кишини ўйлантиради. Мактаб — муқаддас даргоҳ. Инсон камолотининг пойдевори ана шу масканда қўйилади. Ўқувчилар устоз-мураббийларнинг ҳар қандай иш тутумидан андоза олади. Таълим-тарбия ўчоғида таъмағирлик юз берса, унинг нуфузига путур етиши аниқ.

Шундай экан, Президентимизнинг "Коррупция балоғига қарши фақат давлат-ҳуқуқий чоралар билангина курашиб бўлмайди. Бунинг учун бутун жамиятимизда, аввало, ёшлар оғида бу иллатга қарши мурасасиз муносабатни шакллантириш, барча соғлом қуларни бирлаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга" деган сўзларига қатъий риоя этишимиз зарур.

Қобилжон АБДУЛЛАЕВ, жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди судьяси

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ХАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ
Робохон МАХМУДОВА
Халилullo ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор ХАМРОЕВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Булок Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: яқна тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-1115 Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда. Адади: 4465
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 23⁰⁰.